

Ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас



10:37 / 16.10.2018 3596

Доктор Вайн Уорд:

«Борлиқ ўз-ўзидан пайдо бўлган, деган назариялар унинг бошланишини аниқлашдан ожиздир. Улар «ҳамма нарса биринчи бошланишида ўз-ўзидан бўлиб қолган», дейишдан нарига ўта олмайдилар. Нарсаларнинг ўз-ўзидан вужудга келиши тўғрисидаги фикр Аллоҳнинг борлигини тан олмайдиганлар ўйлаб чиқарган гаплардир. Аслида диний эътиборни четга қўйиб қараганда ҳам, Аллоҳнинг борлиги тўғрисидаги фикр, нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлган, деган фикрдан кўра ақлга ва мантиққа яқинроқдир. Ҳеч шубҳа йўқки ва бўлиши ҳам мумкин эмаски, борлиқдаги ажойиботлар уларнинг барчасининг яратувчиси борлигига қатъиян далолат қилади. У ўз-ўзидан, пала-партиш ҳолда вужудга келган эмас».